

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Абдуллаева Ойбарчин Бекмуродовна Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты А.Орипов, Олтинсой туман Кенгаши депутатлари туман Кенгаши котибияти билан ҳамкорликда 2023 йил 25 март куни “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳасининг мазмуни ва моҳиятини тушунтириш ҳамда референдум ўтказилиши бўйича туман Тиббиёт бирлашмасида семинар ўтказилди. Семинарда Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституцияси ва унга киритилаётган ўзгартишлар ҳақида батафсил маълумот берилди.